

---

## "Зиё маскан"лари фойдаланишга топширилди

Бугун Калдушон ва Катта янги маҳалла фуқаролар йиғинларида жойлашган 21,15-умумий ўрта таълим мактабларига ёндош ҳудудда "Зиё маскан"лари фойдаланишга топширилди.

Ҳар иккала зиё дўконлари болалар адабиёти, ҳуқуқий адабиётлар, илмий-оммабоп, чет тилларидаги қўлланмалар ва бошқа соҳаларга оид 50 турдаги 400 дан зиёд китоблар билан таъминланган.

“Зиё маскани” китобсеварларга чин маънода зиё улашишга хизмат қилиши, шу куннинг ўзида ушбу масканларга келган китобхонлар оқими кўпайганидан ҳам кўриниб турибди.

Маълумот ўрнида: Фурқат туманида 25 дан зиёд "Зиё маскан"лари ўз фаолиятини бошлади.

2022-09-05 14:26:13